

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ КОЭФФИЦИЕНТЛАР ЎРДАМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

*Тулаев Мирзакул Саламович,*

*Иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш кафедре доценти,*

*Халқаро Нордик Университети*

*E-mail: m.tulayev@nordicmail.uz*

**Аннотация.** Мазкур мақолада иқтисодий таҳлилнинг самарали усули сифатида молиявий ҳисоботларни коэффициентлар усулида таҳлил қилиш масалалари ёритилган. Молиявий ҳисоботларнинг шаклларида келиб чиқиб аниқланадиган коэффициентлар, уларнинг мазмуни ва ҳисоблаш механизми ишлаб чиқилган. “Оҳангарондон” ОАЖ маълумотлари асосида ишлаб чиқилган коэффициентлар аниқланган ва хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** Коэффициентлар таснифи, ликвидлик коэффициентлари, молиявий коэффициент, активлар айланувчанлиги, ишчанлик фаоллиги

Молиявий ҳисоботни таҳлил қилишда кенг фойдаланиладиган усул бўлиб молиявий коэффициентлар асосида амалга оширилади. Ўзининг соддалиги ва тезда ҳисобланиши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда оммавий ҳисобланади. Молиявий коэффициентларнинг мазмуни шундан иборатки, ҳисобот кўрсаткичлари асосида аниқланган молиявий коэффициентларни тармоқ ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий коэффициентлари билан солиштирилади. Молиявий коэффициентлар хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг нозик жойларини кўрсатиб беради. Шунини айтиш лозимки, молиявий коэффициентларнинг ҳисоб-китобида қандайдир ягона молиявий коэффициентлар тизими қўлланилмайди. Шунга қарамай, турли ахборотномаларда эълон қилинаётган молиявий коэффициентларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

- 1) ликвидлик коэффициентлари;
- 2) ишчанлик фаоллиги коэффициентлари;
- 3) молиявий барқарорлик коэффициентлари;
- 4) рентабеллик коэффициентлари.

**Ликвидлик коэффициентлари** – компаниянинг қарзлар бўйича ўз жорий мажбуриятларини бажариш қобилиятини ўлчайди. Ликвидликнинг ўлчовларидан бири – бу айланма (ишчи) капитал, яъни жорий активлар ва жорий мажбуриятлар ўртасидаги айирмадир.

**1. Жорий ликвидлик коэффициенти (current ratio)** кенг тарқалган ва кўп фойдаланиладиган коэффициент ҳисобланади. Жорий ликвидлик коэффициенти

2:1 нисбатда бўлса, етарли деб ҳисобланади. Бу ҳар бир сўмлик мажбуриятга 2 сўмлик жорий актив тўғри келади деганидир.

Жорий	жорий активлар (ш.№1 сатр. 390)	32253178	
ликвидлик	жорий		= 1,56
коэффициенти =	мажбуриятлар (ш.№1 сатр. 600)	20687847	

Жорий ликвидлик коэффициенти “Оҳангарондон” ОАЖда 1,56 га тенг. Бу белгиланган меъёрдан кўра кам.

**2. Тез ликвидлик коэффициенти (acied - test ratio)** олдинги коэффициентга кўшимча равишда ҳисобланади. Тез ликвидлик коэффициенти жорий мажбуриятга нисбатан ортиқ бўлса, етарли деб ҳисобланади. Яхши кўрсаткичларга эга бўлган корхона тез ликвид активлар жорий мажбуриятларга нисбат кўп эканлигини кўрсатиб бериши лозим.

Тез	Тез ликвид активлар (ш.№1 сатр.390-сатр. 140- сатр.190-сатр. 200)	7347285	
ликвидлик	жорий мажбуриятлар		= 0,35
коэффициенти =	(ш.№1 сатр. 600)	20687847	

Тез ликвидлик коэффициенти “Оҳангарондон” ОАЖда 0,35 га тенг. Бу белгиланган меъёрдан кўра кам.

**3. Мутлоқ ликвидлик коэффициенти** тўлов қобилиятининг жуда қаттиқ мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу коэффициент қисқа муддатли қарзларнинг қайси қисми бирдан қайтарилиши лозимлигини кўрсатиб беради

Мутлоқ	пул маблағлари (ш.№1 сатр. 320)	2029	
ликвидлик	жорий		= 0,0001
коэффициенти =	мажбуриятлар (ш.№1 сатр. 600)	20687847	

Мутлоқ ликвидлик коэффициенти “Оҳангарондон” ОАЖда нолга тенг. Бу жами бир сўмлик жорий мажбуриятларга 0,0001 сўм пул маблағи тўғри келишини кўрсатиб беради.

**Ишчанлик фаоллиги коэффициентлари** – активлар айланувчанлиги компания иш фаолиятининг самарадорлик даражасининг оддий ўлчовларидан биридир. Бизнесни молиялаштириши учун дебиторлик қарзлар пул маблағига айлантеририлиши, ТМЗлар эса сотилган бўлиши лозим. Шу билан бирга

дебиторлик қарзлари ва ТМЗни бошқаришнинг самарадорлик даражасини ўлчаш учун коэффициентлар ишлаб чиқилган.

4. **Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти (receivale turnover (RT) ratio)** бу коэффициент йил давомида неча марта дебиторлик қарзлари ундириб олинганлигини кўрсатади.

Дебиторлик қарзларининг айланиш коэффициенти	=	Соф тушум (ш.№2 сатр. 010)	42827013	=	0,69
		ўртача дебиторлик қарзлар (ш.№1 сатр. 210 : 3.уст + 4.уст) : 2	(4535611+7745256)		марта

2023 йил якуни бўйича “Оҳангарондон” ОАЖда 0,69 мартага тенг. Бу коэффициент яхши ёки ёмон эканлигини аниқлаб олиш учун **дебиторлик қарзларининг айланиш муддатлари кунларда (receivale turnover in days (RTD))** ҳисобланиши лозим. Бир йилдаги кунлар дебиторлик қарзларининг айланма коэффициентига бўлиб, қарзларнинг айланиш ўртача муддатлари кунларда ҳисоблашимиз мумкин:

Дебиторлик қарзларининг айланиш муддати	=	365 кун	дебиторлик қарзларининг айланма коэффициенти	=	529
		365 кун	0,69 марта кун		

Ўтган 2023 йилда дебиторлик қарзларининг айланиш муддатлари кунларда “Оҳангарондон” ОАЖда 529 кунга тенг бўлиб, жамият учун маҳсулот, иш ёки хизматларни сотиш санасидан дебиторлик қарзларни ундириб олиш учун 529 кун керак бўлган.

5. **ТМЗ айланувчанлик коэффициенти (inventory turnover (IT) ratio).** Корхонада ТМЗ миқдори қанча бўлиши керак? Бу нарса жуда кўп омиллар бирикмасига боғлиқ, шу жумладан, корхонанинг фаолият кўрсатаётган соҳаси ва йил мавсумига ҳам. ТМЗ қолдиғининг етарлилигини ўлчашни усулларида бири – ТМЗ айланувчанлигини аниқлаш учун, уни йил давомидаги сотиш билан солиштириш ҳисобланади.

Товар заҳираларини бошқариш	=	сотилган товарларнинг таннархи (ш.№2 сатр. 020)	36240247	=	1,99
					марта

Ўртача дебиторлик қарзлар (ш.№1 сатр. 140)	18216173
3.уст + 4.уст) : 2	

2023 йил якуни бўйича “Оҳангарондон” ОАЖда 1,99 мартага тенг. ТМЗни таҳлил қилишнинг яна бир усули – маҳсулотнинг сотувгача ТМЗда бўлишнинг ўртача давомийлигини ҳисоблашдир:

ТМЗларнинг айланиш муддати	=	365 кун	ТМЗни ўртача давомийлик коэффиценти	365 кун	=	183,4
				1,99 марта кун		

Ўтган 2023 йилда ТМЗларнинг айланиш муддатлари кунларда “Оҳангарондон” ОАЖда 183,4 кунга тенг бўлиб, жамият ТМЗларни сотишгача ўртача 183,4 кун давомида сақлаган. Бу ТМЗларни сотишга қадар, пул маблағлари ТМЗлар билан 183,4 кун давомида боғланиб қолганлигидан далолат беради. Дебиторлик қарзларнинг айланиш муддати (529 кун) ҳам ҳисобга олсак, ТМЗларни сотиб олиш, ТМЗларни сотиш ва пул маблағларни олиш муддати ундан ҳам узоқроқ ҳисобланади, ўртача 712,4 кун.

#### 6. *Активларнинг айланувчанлик коэффиценти (total asset turnover).*

Активларнинг айланувчанлиги компания учун сотиш орқали молия маблағининг бошланғич манбаи бўлган мижозлар ва компанияни бошқаришда фойдаланиладиган ресурслар (активлар) ўртасидаги муносабатни характерлайди.

Активларнинг айланувчанлик коэффиценти =	Соф тушум (ш.№2 сатр. 010)	42827013	= 1,17
	Жами активлар (ш.№1 сатр. 400)	36511402	

Бу коэффицент орқали жами активларнинг ҳар бир сўмига сотиш натижасида неча сўм ишлаб олганлиги аниқланади. “Оҳангарондон” ОАЖда жами активларнинг ҳар бир сўмига сотиш натижасида 1,17 сўм ишлаб топган. Активларнинг айланувчанлиги қанча юқори бўлса, мижозлардан келиб тушадиган суммалар ҳам юқори бўлади.

*Молиявий барқарорлик коэффицентлари* – компания эгалари ва кредиторлар ўртасидаги таваккалчиликнинг қандай тақсимланганлигини кўрсатади. Маълумки, активлар ёки қарз ҳисобига ёхуд корxonанинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилган бўлиши мумкин.

7. *Қарздорликнинг хусусий капиталга нисбати коэффиценти ёки молиявий левередж (Debt-to-Equity ratio)* корxonаларнинг молиявий

барқарорлик (капитал билан таъминланганлик) ва корхона капиталига асосланган ҳолда қарзлар маблағларнинг ҳажми даражасини кўрсатиб беради. Бу нисбат қарз маблағларни олиш ва акцияларни чиқариш орқали аралаш молиятириш йўлини кўрсатиб беради.

Қарздорликнинг хусусий капиталга нисбати коэффициенти =	Мажбуриятлар суммаси (ш.№1 сатр. 770)	20980924	= 1,35
	Хусусий капитал (ш.№1 сатр. 480)	15530478	

“Оҳангарондон” ОАЖда хусусий капиталнинг ҳар бир сўмига 1,35 сўм жорий мажбурият тўғри келади. Бу нисбат 1:1 дан юқори, корхона юқори молиявий левереджга эга, жамият учун яна қарз, кредитлар олиш жуда қийин ҳисобланади.

**8. Мажбуриятлар суммасининг активларга нисбати коэффициенти (Debt-to-total asset ratio)** кредиторларга тақдим қилинган активлар суммасини аниқлашга ҳамда левередж даражаси (миқдори)ни ўлчаб беради.

Мажбуриятлар суммасининг активларга нисбати коэффициенти =	Мажбуриятлар суммаси (ш.№1 сатр. 770)	20980924	= 0,575
	Жами активлар (ш.№1 сатр. 400)	36511402	

Ўтган 2023 йилда “Оҳангарондон” ОАЖда 0,575га тенг. Шундай қилиб, “Оҳангарондон” ОАЖнинг 57,5% активлари қарзга олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади. Жамият эса яхши левереджга эга ҳисобланади.

**9. Фоизларни қоплаш коэффициенти (interest coverage ratio)** корхонанинг фоизга доир тўловларини амалга ошириш имкониятини баҳолайди. Бу кўрсаткич корхона томонидан соф фойда ҳисобидан фоизларни неча марта тўлаш имконияти борлигини кўрсатиб беради.

Фоизларни қоплаш коэффициенти =	Фоиз ва солиқлар тўлагунга қадар бўлган соф фойда (ш.№2 сатр. 270 + сатр.180 + сатр.250)	3159877	= 29,27 марта
	Фоиз кўринишдаги харажатлар (ш.№2 сатр. 180)	107962	

Шундай қилиб, ўтган 2023 йилда “Оҳангарондон” ОАЖ фоизга доир тўловларни 29,27 марта амалга ошириши мумкин.

**Рентабеллик коэффицентлари** – компания йилдан йилга ўз фаолиятини фойдалилик нуқтаи назаридан қандай ташкил қилганлигини кўрсатади.

**10. Ялпи рентабеллик коэффицентини коэффицентини (gross profit margin)** корхонанинг ялпи фойдаси ва соф тушумнинг нисбатини кўрсатиб беради. У корхона фаолиятининг жорий самарадорлигини ва нарх сиёсатини асосланганлигини кўрсатиб беради.

Ялпи рентабеллик коэффицентини	Ялпи фойда (ш.№2 сатр. 030)	6586766	= 0,15
коэффицентини =	Соф тушум (ш.№2 сатр. 010)	42827013	

“Оҳангарондон” ОАЖда 2023 йил якуни бўйича 0,15 ёки 15%га тенг. 2022 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 12%ни ташкил қилган. Ялпи рентабеллик коэффицентининг ўсиши ишлаб чиқариш таннархининг самарали пасайишини ёки ўтган йилга нисбатан тўғри нарх сиёсатининг олиб борилганлигини кўрсатиб бермоқда.

**11. Соф маржа ёки рентабеллик коэффицентини (net profit margin)** жорий йилда корхонанинг фаолияти қанчалик самарали бўлганлигини кўрсатиб беради.

Соф маржа ёки рентабеллик коэффицентини	Соф фойда (ш.№2 сатр. 270)	2632371	= 0,06
коэффицентини =	Соф тушум (ш.№2 сатр. 010)	42827013	

Жорий йилда “Оҳангарондон” ОАЖ ҳар бир сўмлик сотилган маҳсулот бўйича 0,06 сўм ёки 6% миқдориди фойда олган. Ўтган йилда эса бу кўрсаткич 0,01 сўм ёки 1%ни ташкил қилган.

**12. Активларнинг даромадлилик коэффицентини (return on assets (ROA)) активларга қилинган инвестицияларнинг даромадлилик коэффицентини (rate of return on investment (ROI))** соф фойда билан корхона тасарруфиди бўлган активларнинг умумий миқдорига нисбати сифатида аниқланади.

Активларнинг даромадлилик коэффицентини (ROA) =	Соф фойда (ш.№2 сатр. 270)	2632371	= 0,07
	Барча активлар (ш.№1 сатр. 400)	36511402	

Жорий йилда “Оҳангарондон” ОАЖ ҳар бир сўмлик активларга 0,07 сўм миқдориди соф фойда олган.

**13. Капиталнинг даромадлилик коэффицентини (return on Equity (ROE))** пул маблағи қандай ишлаётганини кўрсатиб беради. Инвесторлар томонидан акцияларнинг қийматини баҳолашда энг кўп ишлатиладиган кўрсаткич

ҳисобланади. Инвесторлар бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда инвестиция қилиш ёки биров кутиш лозимлиги тўғрисида ўз қарорларини қабул қилиши лозим бўлади.

Капиталнинг даромадлилик коэффициенти (ROE) =	Соф фойда (ш.№2 сатр. 270)	2632371	= 0,17
	Хусусий капитали (ш.№1 сатр. 480)	15530478	

2023 йил якуни бўйича “Оҳангарондон” ОАЖ ҳар бир сўмлик хусусий капитал бўйича 0,17 сўм миқдоридан соф фойда ишлаб топган.

**14. Бир акцияга тўғри келувчи фойда коэффициенти** бу коэффициент орқали корхона дивиденд тўлаш ва ривожланиш имкониятининг мавжудлигини кўрсатиб беради.

Бир акцияга тўғри келувчи фойда коэффициенти =	Соф фойда (ш.№2 сатр. 270)	2632371	= 4,10
	Муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача тортилган сони	641979 та	

Жорий йилда “Оҳангарондон” ОАЖ ҳар бир акциясига 4,10 сўм миқдоридан соф фойда тўғри келган.

Бухгалтернинг қўлида тайёр пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот мавжуд, бироқ уни ўқий олиш керак. Бошқа молиявий ҳисоботнинг таҳлили каби муҳим боғлиқликларни тушуниш имконини беради. Таҳлилчилар таҳлил жараёнида иккита соҳага эътиборларини қаратадилар – самарали пул маблағларининг генерацияси (cash-generating efficiency) ва эркин (бўш) пул маблағлари (free cash flow). Самарали пул маблағларининг яратилиши бу корхона томонидан жорий ва давом этаётган фаолияти асосида пул маблағларини яратилишидир. Самарали пул маблағларининг яратилишини таҳлил қилишда ёрдам берадиган учта коэффициент мавжуд: пул маблағлари оқимининг даромадлилиги, сотувга нисбатан пул маблағлари оқими ва активга нисбатан пул маблағлари оқими коэффициентлари.

**15. Пул маблағлари оқимининг даромадлилиги (cash flow yeild)** – бу операцион фаолиятдан соф пул маблағлари оқимининг соф фойдага нисбати бўйича топилади.

Пул маблағлари	операцион фаолият-дан соф пул	8965023	= 3,41
----------------	-------------------------------	---------	--------

оқимининг даромадлилик коэффициенти =	маблағ-ларининг оқими (ш.№4 сатр. 050)	
	Соф фойда (ш.№2 сатр. 270)	2632371

Пул маблағлари оқимининг даромадлилиги соф фойдага нисбатан операцион фаолиятдан пул маблағлари неча марта кўпроқ жамғарилишини билдиради.

**16. Сотувга нисбатан пул маблағлари оқими коэффициенти (cash flow to sales)** – бу операцион фаолиятдан соф пул маблағлари оқимининг соф сотувга нисбати бўйича топилади.

Сотувга нисбатан маблағлари оқимининг коэффициенти =	операцион фаолият-дан соф пул маблағ-ларининг оқими (ш.№4 сатр. 050)	8965023	
	Соф тушум (ш.№2 сатр. 010)	42827013	= 0,21

Корхона сотувининг неча фоизи пул маблағларининг миқдорини ўзида жамғарилишини билдиради.

**17. Активга нисбатан пул маблағларининг оқими коэффициенти (cash flow to assets)** – бу операцион фаолиятдан соф пул маблағлари оқимининг умумий ўртача йиллик активга нисбати бўйича топилади.

Активга нисбатан маблағлари оқимининг коэффициенти =	операцион фаолият-дан соф пул маблағ-ларининг оқими (ш.№4 сатр. 050)	8965023	
	Барча активлар (ш.№1 сатр. 400)	36511402	= 0,24

Агар фойда меъёри коэффициенти 11-формулани пул маблағлари оқимининг даромадлилик коэффициенти 15-формулага кўпайтирилганда Сотувга нисбатан пул маблағлари оқими коэффициенти 16-формулага тенг бўлиши лозим.

Агар активга нисбатан даромадлилик коэффициенти 12-формулани пул маблағлари оқимининг даромадлилик коэффициенти 15-формулага кўпайтирилганда активга нисбатан пул маблағлари оқими 17-формулага коэффициентлари тенг бўлади.



Эркин (бўш) пул маблағлари (free cash flow) – пул маблағларининг яратилиши ёки корхона режалаштирилган белгиланган даражасида ўз операция фаолиятини давом эттирса, барча мажбуриятларини бажаргандан кейин пул маблағларининг етишмовлигини билдиради. Бу мажбуриятлар жорий ёки давом этаётган фаолиятига, фоиз, фойда солиғи, дивидендлар ва соф капитал харажатларга ҳам тегишлижир.

Эркин (бўш) пул маблағлари = операция фаолиятдан соф пул маблағларининг оқими – дивидендлар – асосий воситаларни сотиб олиш + асосий воситаларнинг сотилиши

Эркин (бўш) пул маблағлари =	8965023 – 705250 + 126284	= 8386057
------------------------------	---------------------------	-----------

Эркин (бўш) пул маблағларининг миқдори мусбат бўлса, корхона томонидан мажбуриятлари бажарилган ва унда қарзларини камайтириш ва фаолиятини кенгайтириш учун пул маблағлари борлигини билдиради. Агар корхонада эркин пул маблағлари бўлмаса, корхона режалаштирилган белгиланган даражада ишлаши учун яқин келажакда корхона томонидан ўз инвестицияларининг бир қисмини сотишга, қарз олишга ёки қўшимча акцияларнинг эмиссиясини амалга оширишга мажбур бўлади. Агар салбий ҳолат бир неча йиллар давомида давом этаётган бўлса, корхона ўз пул маблағлар манбаининг емирилишига (кўп миқдорда/марта инвестицияларнинг сотилиши ёки акция ва облигацияларнинг чиқарилиши оқибатида) олиб келади.

### Фойдаланган адабиётлар рўйхати.

1. Tulaev, M. (2021). МҲХС БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ: ТАЙЁРЛАШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ. *Архив научных исследований*.
2. Tulaev, M. (2019). Финансовая отчетность: на пути соответствия национальным и международным стандартам. *Архив научных исследований*, 1(1). извлечено от <https://ejournal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/723>
3. Tulayev M., Axmedov A. (2023). Balansning tarkibiy tuzilishi va unga ta'sir etuvchi omillar. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 8, 71-77
4. Тулаев Мирзакул Саламович. (2023). КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАШҚИ АУДИТОРЛАР ТОМОНИДАН ТЕКШИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *World Scientific Research Journal*, 16(1), 252–258. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2724>
5. Tulayev M. (2023). Moliyaviy hisobotning halqaro standartlari bo'yicha moliyaviy hisobot: tayyorlash va avtomatlashtirish. *YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT*, 6, 134 -138.

6. Klichev, V. (2014). Бошқарув ҳисобида баҳо шакллантиришни такомиллаштириш масалалари. Молия, 2014(5), 10–15. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10522860>
7. Tulaev, M. (2020). Учет корпоративных облигаций. *Архив научных исследований*, 1(25). извлечено от <https://ejournal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2783>
8. Қличев, Б. (2021). Инновацион фаолиятда асосий воситалар таҳлилини ташкил этиш масалалари. Инновацион иқтисодиёт: муаммолар, таҳлил ва ривожланиш истиқболлари. Қарши, Ўзбекистон. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10531216>
9. Қличев, Б. (2021). Хўжалик юритувчи субъектларда ишбилармонлик фаоллиги таҳлили. Актуар молия ва бухгалтерия ҳисоби, 1 (3)-сон, 1-9. Retrieved from <https://finance.tsue.uz/wp-content/uploads/2021/06/4.-Қличев-Б.pdf>
10. Қличев, Б. (2021, сентябрь 30). Мехнат мотивациясида моддий рағбатлантириш таҳлили. Молия-банк тизимида илм-фан, таълимнинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришда тошкент молия институтининг ўрни. Конференция материаллари тўплами, Тошкент, Ўзбекистон. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10531256>
11. Қличев, Б. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. *Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar*, 4 (20)-сон, 170-175.
12. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ. *World Scientific Research Journal*, 21(1), 182–188. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2876>
13. Қличев, Б. (2021, ноябрь 19). Ички аудит хизмати фаолиятида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш масалалари. Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ маъмуриятчилиги ва халқаро солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. Халқаро конференция материаллари тўплами. Тошкент, Ўзбекистон. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10531234>
14. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. *Экономика И Образование*, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
15. Pardayevich, K. V. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/4460>
16. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТДА ЭКСПОРТ-ИМПОРТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИ.

- World Scientific Research Journal, 21(1), 176–181. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2875>
17. Пардаев Файзулла Гаффарович, & Мухиддин Абдуллаевич Қурбонов. (2023). ИСТИҚБОЛДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ХИСОБИНИ ЮРИТИШДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ДАШБОРДЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ. World Scientific Research Journal, 21(1), 189–196. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2877>
18. М.Ю.Рахимов. (2023). МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТАҲЛИЛИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР. World Scientific Research Journal, 21(1), 211–220. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2879>
19. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 197–210. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2878>
20. Gayratjon Ibragimov Artikovich. (2022). GLOBAL DIGITALIZATION AND THE PLACE OF UZBEKISTAN. IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6627529>
21. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 21(1), 221–231. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2880>
22. Nargiza Samadova. (2023). INFORMATION SOURCES OF ECONOMIC COMPETENCE ANALYSIS OF ECONOMIC SUBJECTS AND THEIR CLASSIFICATION. *Academia Repository*, 4(12), 278–283. Retrieved from <https://academiarepo.org/index.php/1/article/view/290>
23. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 248–259. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2882>
24. Мухиддин Абдуллаевич Қурбонов, & Эргашев Уйғун Жабборович. (2023). КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИДА ИНСОН ОМИЛИНИ КАМАЙТИРИШДА СМАРТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 260–268. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2883>
25. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТНИ КАМАЙТИРИШДА ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. World Scientific

- Research Journal, 21(1), 269–275. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2884>
26. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2023). ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТГА КУРАШИШ ЖАРАЁНИДА БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ЗАРУРЛИГИ. World Scientific Research Journal, 21(1), 153–165. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2873>
27. Asanalievna, S. Z. (2022). ASSESSMENT OF THE FINANCIAL STABILITY OF THE ENTERPRISE. *湖南大学学报 (自然科学版)*, 49(10). Retrieved from <https://johuns.net/index.php/publishing/454.pdf>
28. Yuldasheva Umida Asanaliyevna. (2023). TAX POTENTIAL AS AN INDICATOR OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE REGION. *European Journal of Emerging Technology and Discoveries*, 1(8), 41–45. Retrieved from <https://europeanscience.org/index.php/1/article/view/305>
29. Нурманов, У. А. (2022). ИҚТИСОДИЁТНИ ГЛОБАЛЛАШУ ШАРОИТИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ТАҲЛИЛИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. "Экономика и туризм" международный научно-инновационной журнал, 4(6). Retrieved from <http://interjournal.uz/index.php/journals/article/view/82>
30. Нурманов, У. А. (2022). ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. Журнал Инновации в Экономике, 5(2). Retrieved from <https://tadqiqot.uz/index.php/economy/article/view/4757>
31. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.; "Iqtisod-Moliya", 2013. -390 б.
32. Yuldasheva Umida Asanaliyevna. (2023). THEORETICAL APPROACHES TO THE CONCEPT OF "TAX POTENTIAL" AND METHODS OF ITS ASSESSMENT. *European Journal of Emerging Technology and Discoveries*, 1(8), 21–25. Retrieved from <https://europeanscience.org/index.php/1/article/view/302>
33. Ибрагимов, Г. А. (2023). ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ И ВОПРОСЫ БЕЗОПАСНОСТИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 68-73.
34. Ibragimov, G. A. (2021). Business Analysis In The Digital Economy. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(7), 4543–4549.
35. Ibragimov G. (2022). Introduction of digital solutions to the economy of Uzbekistan: problems and solutions. *International Journal of Research in IT and Management (IJRIM)*, 12(9), 34-39. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRIM2Sep22-Uzb-1.pdf>

36. Ibragimov G. (2022). Keeping records of imported goods while improving customs administration in Uzbekistan. *International Journal of Research in Finance and Marketing (IJRFM)*, 12(11), 30-34. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRFM3Nov22-Uzb.pdf>
37. Ibragimov G. (2023). Problems of training financial analysts in the republic of Uzbekistan. *International Journal of Research in Economics and Social Sciences (IJRESS)*, 13(06), 108-115. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRESS11June23-Uzb.pdf>
38. Ibragimov G. (2022). Digitalization of the economy of Uzbekistan: experience and prospects. *International Journal of Research in Economics and Social Sciences (IJRESS)*, 12(05), 102-109. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRESS10-May2022.pdf>
39. Ibragimov, G., & Yakubov, U. (2015). Agricultural Development in Uzbekistan. *SCIENTIFIC ENQUIRY IN THE CONTEMPORARY WORLD: THEORETICAL BASICS AND INNOVATIVE APPROACH*, 74. Retrieved from [https://bmpublgroup.com/assets/1\\_26\\_4\\_1.pdf#page=75](https://bmpublgroup.com/assets/1_26_4_1.pdf#page=75)
40. Yakubov U. (2021). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING AND METHODOLOGY IN ORGANIZATION OF JOINT VENTURES. *Эконмока и бизнес: теория и практика.. 4-2 (74)*. ISSN 2411 0450.
- akubov U. (2022). MODELING THE ANALYSIS OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY. *Web of scientist: International scientific research journal* ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 2
42. Yakubov Ulugbek. (2023). ISSUES OF ASSESSING THE JOINT ACTIVITY OF BUSINESS ENTITIES. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 14, 57–61. Retrieved from <https://ajird.journalspark.org/index.php/ajird/article/view/557>.
- кубов, У. (2023). КОРХОНАНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(4), 132–139. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/EJLFAS/article/view/12603>.
44. Султанов, М. (2022). ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУРИЯТИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/735>
45. Султанов Махмуд Ахмедович. (2023). ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ. *World Scientific Research Journal*, 16(1), 163–169. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2714>

46. Sultanov, M. (2023). Features of Dividend Allocation and Taxation in Investment Funds of Uzbekistan. *Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN, 2249(0892)*.
47. Samadova Nargiza Rasulovna. (2022). ANALYSIS OF INDICATORS REPRESENTING THE ECONOMIC POTENTIAL OF ECONOMIC ENTITIES AND ITS DISTINCTIVE FEATURES. *European Journal of Research Development and Sustainability, 3(11), 108-111*. Retrieved from <https://www.scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/2960>
- agdillayeva, Z. A. (2023). BUSINESS ANALYSIS IS A NEW DIRECTION OF ANALYTICAL WORK. *Intent Research Scientific Journal, 2(6), 93-104*.
49. Файзиев, Ф. А. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ: РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ. *Gospodarka i Innowacje., 42, 426-434*. [https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue\\_view\\_32/article/view/2099](https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue_view_32/article/view/2099)
50. Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич. (2023). КЎЧМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *World Scientific Research Journal, 21(1), 232–247*. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2881>